

Хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги  
ШАРТНОМА № 57

Тошкент шаҳри

2022 йил «7» январь

Бир тарафдан кейинги ўринларда “Ижрочи” деб номланувчи МСНЖ “СННОВОД ПЛАЗА SANATORIYSI”, Устав асосида ҳаракат қилувчи директор Мусаева Дильноза Мирзахидовна шахсида, иккинчи тарафдан кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб номланувчи Турсунқул исм. Тўғрисида Умаров асосида ҳаракат қилувчи Б. А. Умаров шахсида, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. “Буюртмачи” ўз зиммасига, ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлмиш ўзининг аризасида кўрсатилган, кейинги матнда “Мижоз” деб номланувчи юридик шахсга “хизматлар” деб номланувчи соғломлаштириш ва диагностика хизматлари кўрсатишни топшириш, “Ижрочи” эса ўз зиммасига ушбу хизматларни “Мижоз”га кўрсатиш мажбуриятини олади. Аризада бир нечта шахс кўрсатилиши мумкин.
- 1.2. Хизматлар кўрсатиш жойи – МСНЖ “СННОВОД ПЛАЗА SANATORIYSI”.
- 1.3. Хизматлар йўлланмалар билан расмийлаш тирилади, “Буюртмачи” “Ижрочи” томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақини ушбу шартномада белгиланган шартлар асосида тўлаш мажбуриятини олади.

1.4.

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Миқдори
1	12 кунлик курс йўлланмаси	дона	1	9 800 000	9 800 000

Йўлланма нархи: 9 800 000 сум (Туккиз миллион саккиз юз минг сум) ни ташкил қилади.

1.5. Йўлланма бўйича жойлашиш муддати 2022 йил 7 январдан 2022 йил “15” январгача. Умумий кунлар сони 12 (ун икки). Санаторияга жойлашиш ва чиқиш кетиш вақти соат 12 гача.

1.6. Қўшимча тиббий ва бошқа сервис хизматлар йўлланма нархига қирмайди, уларнинг ҳақи “Буюртмачи” ёки “Мижоз” томонидан “Ижрочи” ёки хизматлар кўрсатиш жойининг маъмурияти томонидан белгиланган нарх ва тартибда тўланади.

### 2. ИЖРОЧИ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Ижрочи” қўйидаги мажбуриятларга эга:

- 2.1. Йўлланма(лар) ҳақи “Буюртмачи” томонидан тўланганидан сўнг унга ёки “Мижоз”га йўлланма бланкани бериш;
- 2.2. “Буюртмачи”га соғломлаштириш хизматларининг турини тўғри танлаш имкониятини таъминловчи керакли ва ҳаққоний маълумотлар бериш;
- 2.3. “Буюртмачи”ни йўлланма фақат унда кўрсатилган “Мижоз”(лар) учун ва фақат унда кўрсатилган муддатларда ҳақиқий эканлиги тўғрисида хабардор қилиш;
- 2.4. “Буюртмачи”ни йўлланмалар кунлар йиғиндиси ва қелганлар сонига қараб қайта ҳисобланмаслиги тўғрисида хабардор қилиш;
- 2.5. “Буюртмачи”ни ва “Мижоз”(лар)ни, агар “Мижоз”(лар) хизматлар кўрсатиш жойидаги яшаш меъёр ва қоидаларини қўпол равишда бузишлари ҳолларида, у(лар)нинг яшаш муддатидан аввал бекор қилиниши тўғрисида хабардор қилиш. Бунда йўлланманинг қолдиқ қиймати қайтарилмайди;
- 2.6. “Буюртмачи”ни ва “Мижоз”(лар)ни, агар “Мижоз”(лар) “Ижрочи” айбисиз белгиланган муддатдан кечикиб келсалар (муддатидан аввал кетсалар), йўлланма нархи қайта ҳисобланмаслиги ва қолдиқ қиймати (қолган кунлар учун қиймати) қайтарилмаслиги тўғрисида хабардор қилиш;
- 2.7. Санаторияга 4 (тўрт) ёшга тўлмаган болалар қабул қилинмайди.

### 3. БУЮРТМАЧИ ВА МИЖОЗЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Мижоз”нинг мажбуриятлари:

3.1.1. Бир йўлланма билан фақат йўлланмада исми-шарифи кўрсатилган шахсни мазкур шартноманинг 1.5.бандида белгиланган муддатда санаторияга етиб келиши.

3.1.2. “Мижоз”лар йўлланма бўйича хизматларни олишлари учун ёнларида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

– йўлланма, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжат, ҳамда санатор-курорт даво олиши учун унинг саломатлиги тўғрисидаги тиббий ҳужжат - санатор-курортлар картаси (СКК).

3.1.3. Жойидаги интизомни тартибга солувчи меъёрларга риоя қилиш.

3.1.4. “Мижоз” зарар етказилган ёки йўқотилган санатория мулки ҳақини тўлиқ қоплаб бериш.

3.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Ушбу шартномага мувофиқ “Ижрочи” хизматлари ҳақини тўлаш;